

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ДЖАХАНГИРОВА ГУЛНОЗА ЗИНАТУЛЛАЕВНА**

**ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА  
МЕВА ВА САБЗАВОТ КУКУНЛАРИ ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17–Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам  
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) on  
technical sciences**

Джахангирова Гулноза Зинатуллаевна  
Дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларида мева ва сабзавот  
кукунлари қўллаш технологиясини такомиллаштириш.....3

Джахангирова Гулноза Зинатуллаевна  
Усовершенствование технологии применения плодово-овощных  
порошков в процессе производства хлебопродуктов.....19

Djaxangirova Gulnoza  
Development of the technology of application of fruit-vegetable powders in  
the production process of bakeries.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
Список опубликованных работ  
List of published works.....38

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ДЖАХАНГИРОВА ГУЛНОЗА ЗИНАТУЛЛАЕВНА**

**ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА  
МЕВА ВА САБЗАВОТ КУКУНЛАРИ ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17–Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Т37 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Турсунходжаев Пулат Мухамедович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Курбанов ЖамшедМажидович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Баракаев Нусрат Раджабович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

«Ўздонмаҳсулот» АК

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «28» сентябр соат 8<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871)244-79-21, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti\_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 21 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Диссертация автореферати 2017 йил «15» сентябр куни тарқатилди.  
(2017 йил «15» сентябрдаги № 06 рақамли реестр баённомаси).

**С.М.Туробжонов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.С. Ибодуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**К.О. Додаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунё бўйича озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш уларнинг калориясини пасайтириш умумий тенденциясига эга бўлгани ҳолда, анъанавий озиқ-овқат маҳсулотларини алмашинмайдиган аминокислоталар, витаминлар, макро- ва микроэлементлар, эссенциал ёғ кислоталари, пребиотиклар ва бошқа биологик қимматли моддалар билан адекват овқатланишга бўлган нутрициология талабларига ҳамда физиологик истеъмол меъёрларига мос даражагача бойитишга илмий тадқиқотлар йўналтирилган.<sup>1</sup>

Республикамиз мустақилликка эришгандан буёнозиқ-овқат саноатининг етакчи тармоқлари, хусусан нон саноати, табиий биологик қимматли хом ашёлар ва уларнинг қайта ишланган маҳсулотларини (кукун, пюре, экстрактлар ва ҳ.к.) чекланмаган миқдорда олиш ва улардан фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортиментини кенгайтириш, ноалиментар табиатга эга қўшимчалардан фойдаланмаслик, асосий хом ашёлар (ун, шакар, тухум, ачитки, озиқ-овқат бўёқлари, таъм ва ҳид берувчи қўшимчалар) сарфини камайтириш, маҳсулотларнинг биологик қимматини ошириш, уларнинг калорияси ва таннархини пасайтириш борасида кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устивор вазифаларни амалга ошириш жумладан мева-сабзавот кукунларини қўллаш асосида нон-булка маҳсулотларини сифатини оширишни янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида мунтазам ва оммавий истеъмол этиладиган ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларига мансуб бўлган нон-булка маҳсулотларини замонавий усулда модификациялаш, бунда хом ашёлардан самарали фойдаланиш, шунингдек маҳсулотларнинг истеъмолбоплик сифатларини яхшилаш, уларнинг озуқавийлик хавфсизлиги ва биологик қимматини ошириш, хамир тайёрлаш жараёнини интенсификациялаш, «соғлом овқатланиш» маҳсулотларини олиштехнологияларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш маҳаллий хом ашё ресурсларидан рационал комплекс фойдаланиб юқори сифатли маҳсулот олиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, маҳсулотнинг ҳаражат ва таннархини камайтириш, долзарб йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2492-сон «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаршни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини 2015-2020 йилларда сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича тадбирлар концепцияси ва комплексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш

<sup>1</sup><http://www.ozon.ru/context/detail/id/5150020/>

бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» гива 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707 сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий қайта ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича тадбирлар дастури ҳақида» ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Унли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўсимлик қўшимчаларидан фойдаланиш технологияларини яратиш бўйича Л.Я. Ауэрман, В.С. Баранов, А.П. Нечаев, Л.Г. Ипатова, Л.И. Пучкова, В.И. Дробот, И.В. Матвеева, С.Я. Корячкина, Л.И. Казанская, Т.Б. Цыганова, Г.Г. Дубцов, Л.Н. Шатнюк, Р.Д. Поландова, М.П. Могильный ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Маҳаллий табиий хом ашёлар мева ва сабзаёт кукунларининг кимёвий таркибини, функционал-технологик ва токсикологик хусусиятлари, тиббий-биологик тадқиқот натижалари бўйича уларнинг физиологик аҳамиятини аниқлаш; функционал мўлжалли маҳсулот тайёрлаш рецептурасини яратиш; маҳаллий хом ашё ресурсларидан нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг илмий-асосланган самарали технологиясини ишлаб чиқиш тадбиқ қилинмоқда.

Шу билан бирга олма, сабзи, қовоқ, ош лавлаги, қизил чучук қалампир каби мева ва сабзаёт маҳсулотларидан кукунсимон ўсимлик яримфабрикатлари олиш ва уларни нон ва нон-булка маҳсулотлари каби ижтимоий аҳамиятга эга базавий озиқ-овқат маҳсулотларини тавсия этиладиган адекват истеъмол даражасигача бойитиш учун қўллаш технологиясини тадқиқ қилиш.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-9-37 «Экологик тоза ҳосил олиш, ташқи стресслардан, фитопатогенлар ва ҳашаротлар-қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларидан самарали ҳимоя қилишга имкон берувчи янги авлод биопрепаратларини олиш биотехнологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ва Ф-5-14 «Фармацевтик ва биотехнологик объект сифатида БФМ ажратиб олиш учун кўк-яшил сувўтларидан фойдаланиш» (2011-2016 йй.) мавзуларидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари режаси доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий ўсимлик хом ашёларини қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда ун маҳсулотлари таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

ош лавлаги, олма, сабзи, қовоқ ва қизил чучук қалампирдан тайёрланган кукунларнинг функционал-технологик хоссалари ва уларнинг озуқавий

хавфсизлигини аниқлаш;

рецептура компонентларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олувчи функционал мўлжалли маҳсулот тайёрлаш рецептурасини яратиш;

ишлаб чиқилган функционал маҳсулотларнинг истеъмолбоплик ва тиббий-биологик хоссаларига рецептура компонентлари таркибининг таъсирини ўрганиш;

ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг клиник синовини ўтказиш, уларнинг модда алмашинув реакциялари жадаллигига таъсирини аниқлаш;

ош лавлаги, олма, сабзи, қовоқ ва қизил чучук қалампирдан тайёрланган кукунлар асосида функционал маҳсулотлар олиш технологиясини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** мева ва сабзавот хом ашёларидан тайёрланган олма, сабзи, қовоқ, ош лавлаги ва қизил чучук қалампир кукунсимон ярим фабрикалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ун маҳсулотлари учун яхшиловчи сифатида қўлланилувчи истиқболли табиий кўшимчалардан фойдаланишни кўзда тутувчи функционал мўлжалли нон-булка маҳсулотларининг янги рецептуралари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида биокимёвий, реологик ва микробиологик-физик-кимёвий, стандарт умумқабул қилинган органолептик услублардан ва тадқиқот натижаларининг ҳисоби, график шарҳлари MS Word, MS Excel дастурлари пакетидан фойдаланилган, шунингдек Matlab ва Mathcad операцион математик муҳитида бажарилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

кукунсимон яримфабрикаларнинг нутриент таркиби, функционал-технологик ва токсикологик хоссалари аниқланган;

кукунсимон яримфабрикаларнинг катаболик регрессия жараёнларига, новвойлик ачитқиларининг фаоллашувига ва тайёр маҳсулот сифатига таъсири исботланган;

кукунсимон яримфабрикалар қўшиб тайёрланган нон-булка маҳсулотларининг кимёвий таркиби ва тиббий-биологик хоссалари аниқланган;

олма, сабзи, қовоқ, ош лавлаги, қизил-чучук қалампир кукунларидан яримфабрикалари олиш, улар асосида нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

навли бугдой унининг кучсиз новвойлик хоссаларини тўғрилаш учун мева ва сабзавот хом ашёларидан тайёрланган табиий кўшимчалардан фойдаланишнинг самарадорлиги асослаб нон-булка маҳсулотлари учун яримфабрикалар яратилган,;

мева ва сабзавотлар ва уларни қайта ишлаш саноатининг иккиламчи хом ашёлари кукунларидан фойдаланган ҳолда функционал нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг илмий-асосланган технологиялари ишлаб чиқилган;

озуқа субстрати таркибида ўсимлик қўшимчаларидан фойдаланган ҳолда новвойлик ачитқиларини фаоллаштиришнинг технологик параметрлари ишлаб чиқилган;

инсон овқатланиш рационада ўсимлик қўшимчали нон-булка маҳсулотларининг физиологик аҳамияти илмий асосланган ва тавсия этилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** шу билан асосланадики, диссертация ишида хом ашё, ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотнинг хоссаларини органолептик, физик-кимёвий, реологик ва микробиологик тадқиқ қилишнинг замонавий услублари, шунингдек асосли тиббиёт услубларидан фойдаланилганлиги ва адекват регрессия тенгламалари мавжудлиги, тажриба маълумотлари ишончли оралиғининг чегаравий қиймати назарий натижаларга мослиги билан асосланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, белгиланган органолептик, физик-кимёвий ва тиббий-биологик хоссаларга эга ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришда маҳаллий ўсимлик хом ашёларининг истиқболли турларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ёритилди. Кучсиз новвойлик хоссасига эга навлир буғдой унларидан тайёрланадиган нон сифатига табиий қўшимчаларнинг ижобий таъсир кўрсатиши исботланди. Новвойлик ачитқиларини фаоллаштириш учун мева ва сабзавот хом ашёларини қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, биологик фаол моддалар ва бирикмаларнинг самарали сақланишига имкон берувчи нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ресурстежамкор технологияси амалга оширилди, бу эса чиқарилаётган маҳсулотларнинг истеъмолбоплик хусусиятларини яхшилашга ва унинг биологик қимматини оширишга, ноалиментар табиатга эга қўшимчалардан фойдаланиш ҳажмини қисқартиришга, асосий хом ашёни тежашга, тайёр маҳсулот чиқишии оширишга, унинг таннархини пасайтиришга ва пировард натижада, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга имкон беради. Диссертация иши натижалари ТКТИ ўқув жараёнида қўлланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида мева-сабзавот кукунларини қўллаш бўйича таклифлар асосида:

нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP№04248, 2008 й.). Натижада хушбўй моддаларга эга маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг озуқавий ва биологик қимматини ошириш имконини берган;

мева ва сабзавот хомашёларини қайта ишлаш маҳсулотлари қўшилган оммавий истеъмолбоп қолипли нон маҳсулотларини тайёрлаш технологияси ишлаб чиқаришга жорий этилган («TOSHKENT NON» нон ишлаб чиқариш уюшмасининг 2017 йил 22 августдаги 06-458-сон маълумотномаси). Натижада қолипли нон маҳсулотлари сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлиги 16% ошишига имкон берган.

озиқавий компонентларга бой мева ва сабзавот кукунлари қўшилган булочка маҳсулотларини тайёрлаш технологияси ишлаб чиқаришга жорий



этилган («TOSHKENT NON» нон ишлаб чиқариш уюшмасининг 2017 йил 22 августдаги 06-458-сон маълумотномаси). Натижада булочка маҳсулотлари сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлиги 17% ошишига имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 халқаро ва 9 республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, 4 та хорижий ва 4 та республика журналларда чоп этилди. Иш натижаси бўйича битта Ўзбекистон Республикасининг патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Новвойлик саноатининг бугунги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида нон-булка маҳсулотлари бозорининг бугунги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари кўриб чиқилган. Озиқ-овқат ўсимлик хом ашёлари физиологик функционал ингредиентларининг таҳлили келтирилган. Озиқ-овқат саноатининг новвойлик тармоғи учун ўсимлик хом ашёларини қайта ишлашнинг истиқболли йўналишлари аниқланди, улардан фойдаланган ҳолда нон ва нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш усуллари умумлаштирилди ва тизимлаштирилди, мазкур хом ашёларнинг нон тайёрлаш технологик жараёнларига ва озуқавийлик қимматига таъсири таҳлил қилинди. Аниқландики, мазкур қўшимчаларнинг ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги технологик потенциали етарлича ўрганилмаган.

Диссертациянинг «**Озиқ-овқат ўсимлик қўшимчаларининг биологик қиммати ва функционал-технологик хоссаларини тадқиқ қилиш**» деб номланган иккинчи бобида ун маҳсулотларини физиологик аҳамиятли ингредиентлар билан бойитиш учун мева ва сабзавотлардан тайёрланган ўсимлик ярим фабрикатларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги илмий-назарий жиҳатдан асосланган; ўрганилаётган хом ашёларнинг кимёвий таркиби, озуқавий зарарсизлиги ва функционал-технологик хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Мева ва сабзавот кукунларининг биологик

қиммати ва 1-нав буғдой уни кимёвий таркибининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур қўшимчалар ун билан омикталаштирилганда органик кислоталар, озиқ-овқат толалари, минерал моддалар (ПКП ли аралашма бундан мустасно, унда магнийва фосфор миқдори 1-нав буғдой унидаги ушбу кўрсаткичлардан мос ҳолда ўртача 27,7 ва 70,5% га камдир, ПС да эса фосфорнинг масса улуши қиёсий намунадан ўртача 56,8% кам) ва витаминлар миқдори ортади, бунда қонуният асосида оксиллар (ПКП ли аралашма бундан мустасно, мазкур аралашмадаги оксил миқдори уннинг ушбу кўрсаткичидан ўртача 17,1% га ортади), углеводлар ва ёғларнинг масса улуши камаяди. Ўсимлик кукунлари каротиноидлар манбаи, ПС – $V_1$  ва  $V_2$  витаминлари, ПМ –  $V_2$ ,  $V_6$  ва РР, ПТ -  $V_1, V_2$ ,  $V_6$  ва РР, ПКП -  $V_2$ ,  $V_6$  витаминлари манбаи ҳисобланади. Ишда тадқиқ қилинган кукунларнинг СанПиН № 0283- 10, O'z DSt ISO 6635:2013 талаблари ва Божхона уюшмасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги ТР ТС 021/2011 Техник регламенти тавсияларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар келтирилган. Аниқланишича, қўшимчалар қўшиш қўшимчасиз намуналардагига нисбатан маҳсулотларда  $NO_3^-$  ионлари концентрациясининг сезиларли ортишига олиб келмади. Бинобарин, ун вазнига нисбатан сабзаёт кукунларини 5,0% меъёрлашда тайёр нондаги  $NO_3^-$  ионлари концентрацияси ўртача 5,8...6,8% га ортди. Оғир заҳарли металлларнинг масса улуши ЧРЭЖ дан ортмади, пестицидлар ва радионуклеидлар эса топилмади. Микробиологик кўрсаткичлар бўйича тадқиқ қилинган кукунлар ТР ТС 021/2011 талабларига мувофиқ бўлди. Асосан таёқчасимон (кўриш майдонида 1...3 дона) ва кокксимон (кўриш майдонида 5...6 дона) бактериялар аниқланди.

Тадқиқ қилинган қўшимчаларнинг функционал-технологик хоссаларни (ФТХ) тавсифловчи кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, амалда бир хил намликда бўлган (8,1...8,6%) кукунлар ҳар хил физик-кимёвий кўрсаткичларга эга бўлди. Бинобарин, кукун қисмчаларининг эквивалент диаметри ўртача қиймати ( $d_{эқв}$ ) 127 дан 139 мкм гача ўзгарди; тўкма зичлиги ( $\rho_n$ ) –607 дан 625 кг/м<sup>3</sup> гача, эриш ҳарорати – 151 дан 165°С гача, намлик тутувчи хоссаси – 6,0 дан 9,8 г сув/г маҳсулотгача. Кукунларнинг фракцион таркиби нисбатан бир хил, устун фракция (86...94%) қисмчалари ўлчамининг ўртача қиймати 300 мкм дан ортмайди, ўлчами 300 мкм дан ортиқ қисмчалар ўртача 2 дан 11% гача. Кукунларнинг юқори намлик тутувчанлик хоссаси хамир намлигини 1,0...2,0% ошишига имкон беради, бу эса тайёр маҳсулот чиқишини оширади ва унинг янгилик муддатинини узайтиради.

Диссертациянинг «**Буғдой унидан нон ишлаб чиқаришда кукунсимон ўсимлик яримфабрикатларини қўллаш**» деб номланган учинчи боби кукунсимон ўсимлик яримфабрикатларининг (ПРП) хамир биополимерлари катаболик регрессияси жадаллигига ва бижғитувчи микрофлора фаоллигига, ўртача ва кучсиз новвойлик хоссаларига эга буғдой унидан тайёрланган маҳсулотларнинг сифатига, кимёвий таркибига ва физиологик самараддорлигига таъсирини, шунингдек нон ишлаб чиқариш технологиясида ушбу қўшимчалардан фойдаланишнинг хавфсизлигини ўрганишга бағишланган. Ўрганилаётган қўшимчаларнинг ундаги асосий биополимерларни

катаболик регрессиясига таъсири даражасини аниқлаш учун хамир ачитқи билан ва ачитқисиз қорилди. Хамирдан ювиладиган клейковинанинг чиқиши ва уни сифат кўрсаткичларининг ўзгариши, шунингдек оксил протеолизи маҳсулотларининг тўпланиш жадаллиги бўйича хамирнинг оксил-протеиназа комплекси ҳолати тўғрисида хулоса қилинди.

1-жадвал

**Хамирдан ювиладиган клейковинанинг миқдорий ва сифаткўрсаткичларига ПРПнинг таъсири**

Кўрсаткичлар	Қуйидагича тайёрланган хамирдан ювилган клейковинанинг сифат кўрсаткичлари қиймати					
	қўшим- часиз	Ун вазнига нисбатан 5 % миқдорда қўшилган				
		ПЯ	ПС	ПМ	ПТ	ПКП
<i>Ачитқили хамир</i>						
Клейковина чиқиши, %:	33,4±0,1	29,7±0,3	30,6±0,3	30,4±0,2	30,7±0,2	31,0±0,4
Гидратацион хусусияти, %	163	146	151	148	150	148
Деформацияловчи юкламага қаршилиги, $N_{def}^{ИДК}$ , ед.пр.	78±1	69±2	73±1	72±1	73±1	75±2
БЧ – $N_{def}^{ИДК}$ , балл	56,00	58,05	56,65	57,20	56,65	56,65
Чўзилувчанлик, см	14,0	10,8	11,5	11,8	11,5	13,0
<i>Ачитқисиз хамир</i>						
Клейковина чиқиши, %:	32,8±0,1	29,2±0,3	29,7±0,3	29,8±0,2	29,9±0,2	30,2±0,4
Гидратацион хусусияти, %	141	126	130	128	132	132
Деформацияловчи юкламага қаршилиги, $N_{def}^{ИДК}$ , ед.пр.	72±1	64±2	68±1	65±1	67±1	70±2
БЧ – $N_{def}^{ИДК}$ , балл	54,30	64,50	62,30	64,45	62,95	61,20
Чўзилувчанлик, см	13,0	10,0	10,5	11,0	10,3	12,0

Аниқланишича, ПРП қўшиш барча вариантларда хамирдан ювиладиган клейковинанинг чиқишини қўшимча қўшилмаган намунага нисбатан ачитқили хамирда ўртача 7,2...11,1% га ва ачитқисиз хамирда 7,9...11,0% га қонуният асосида камайишига олиб келди, бу эса ушбу вариантларнинг юқори намлик тутувчанлик хоссаси ва тузилмавий оксил мажмуини (клейковина) ҳосил қилишга қодир альбуминли ва глобулинли оксил фракцияларининг мавжуд эмаслиги билан тушунтирилади. Бунда қуруқ клейковина чиқиши ўртача 3,2...5,1% га ортди, айниқса ПТ ва ПКП қўшимчали ачитқисиз вариантларда бу ҳолат яққол кузатилди (1-жадвал).

Ачитқили хамирдан олинган тажриба намуналарида клейковинани мустаҳкамлик сифатларининг ортиши аниқланди: гидратацион хусусияти ўртача 12,0...17,0% га, деформацияловчи сиқиш юкламасига қаршилиги – 3...11 ед.пр. га, чўзилувчанлиги – 1,0...2,2 см га камайди, бонитацион сон қиймати 0,65...2,05 баллга ортди. Худди шундай кўрсаткичларнинг энг юқори

ўзгариши ачитқисиз яримфабрикатларда кузатилди. Хамирга қўшилган ачитқилар ҳосил бўладиган қандларни утилизация қилди, бу эса муҳитнинг осмолярлигини пасайишига имкон берди, натижада клейковинанинг мустаҳкамланиш жараёни секин даражада кечди. Бироқ, ПРП қўшиш хамирда глютатион миқдорининг назоратга нисбатан ўртача 23,5...40,2% га камайишига олиб келди.

Аниқланишича, тажриба хамир намуналарида назоратга нисбатан крахмалнинг масса улуши 9,9...12,1% га камайди, редуцияланувчи қандларнинг миқдори эса, мос ҳолда, ўртача 8,9...17,0 % ортди. Бунда ушбу кўрсаткич бўйича ачитқили ва ачитқисиз намуналарда сезиларли фарқ кузатилмади (2-жадвал).

2-жадвал

**I нав бугдой унидан тайёрланган хамирнинг углевод-амилаза мажмуини тавсифловчи кўрсаткичларига ПРПнинг таъсири**


Наименование показателей	Қуйидагича тайёрланган хамирнинг углевод-амилаза мажмуини тавсифловчи кўрсаткичлар					
	қўшим-часиз	с добавлением 5 % к массе муки				
		ПЯ	ПС	ПМ	ПТ	ПКП
<i>Ачитқили хамир</i>						
Крахмалнинг масса улуши, % СВ	67,50±0,1 4	59,70±0,0 25	59,55±0,2 0	59,60±0,2 6	60,80±0,0 23	59,30±0,21
Қандларнинг масса улуши, % ҚМ (глюкозага айлантириб ҳисобланганда):						
- умумий	2,40±0,12	2,92±0,2	3,48±0,2	3,14±0,3	2,72±0,1	2,81±0,22
- редуцияланувчи	2,24±0,10	1	4	0	5	2,44±0,10
		2,62±0,1 7	2,56±0,1 9	2,60±0,2 1	2,54±0,1 6	
<i>Ачитқисиз хамир</i>						
Массовая доля крахмала, % СВ	70,60±0,1 0	61,00±0,0 18	60,10±0,0 13	60,30±0,0 22	59,70±0,0 20	58,20±0,1 6
Қандларнинг масса улуши, % ҚМ (глюкозага айлантириб ҳисобланганда):						
- умумий	2,46±0,10	3,05±0,1	3,56±0,2	3,21±0,2	2,81±0,1	2,90±0,17
-	2,18±0,09	8	1	4	0	2,60±0,05
редуцияланувчи		2,74±0,1 1	2,69±0,1 2	2,71±0,1 7	2,67±0,1 2	

ПРП қўшилган хамир намуналарида биополимерларни катаболик регрессияси жараёнининг жадаллашуви микроорганизмлар томонидан осон ўзлаштириладиган нутриентларнинг кўп миқдорда ҳосил бўлишига имкон берди, бунинг натижасида ачитқи популяциялари жадал тўпланди.

Натижада хамирнинг етилиш жараёни 20...30 дақиқага ва тиниши – 10...15 дақиқага қисқарди. Бунда тажриба вариантлари хамирларининг газ тутувчанлик хоссаси клейковина масса улушининг камайиши ҳисобига 7,1...16,7% га пасайди, хамирнинг мустаҳкамланиш тенденцияси кузатилди, аммо бунда ушбу кўрсаткичлар «ўртача кучли» унга хос диапазонда (83...97) бўлди.

Қўшимчали маҳсулотларда нонларнинг ғоваклиги назоратга нисбатан

4,3...8,7% га, ҳажмий чиқиши –0,9...6,0% га, солиштирма ҳажми– 0,9...3,2% га ортиши аниқланди (1-расм).



(1) ғоваклиги, (2) ҳажмий чиқиши ва (3) солиштирма ҳажми  
**1-расм. I нав бугдой унидан тайёрланган нон хоссаларига ПРП нинг таъсири**

Сақлаш жараёнида нон мағзи бўқувчанлигининг назоратга нисбатан ўртача 12,7...21,8 % га ортиши ва уни ушалувчанлик даражасининг 2,9...9,8% га камайиши кузатилди. Бунда ПТ ва ПМ ли тажриба вариантлари энг яхши деб ҳисобланди.

Тажриба маълумотлари асосида регрессия тенгламаси коэффициенти ҳисобланди ва ва қуйидаги тенгламаларга эга бўлинди:

$$y_1(x_1, x_2) = 84,00 + 4,33 \cdot x_1 + 13,50 \cdot x_2 - 13,00 \cdot x_1^2 - 3,50 \cdot x_2^2 - 1,50 \cdot x_1 \cdot x_2;$$

$$y_2(x_1, x_2) = 348,80 + 12,67 \cdot x_1 + 21,17 \cdot x_2 - 23,67 \cdot x_1^2 - 34,17 \cdot x_2^2 + 3,25 \cdot x_1 \cdot x_2.$$

Регрессия коэффицентининг аҳамиятини текшириш ўтказилди.  $q=0,01$  қиймат даражасидаги ва  $f_y = N(n-1) = 9(3-1) = 18$  эркинлик даражаси сонидаги Стьюдент коэффициенти  $t_{\text{табл.}} = 2,88$  га тенг.



Регрессия коэффицентининг аҳамиятсизлик шarti:

$$y_1 = t_{\text{табл.}} \cdot s\{b_1\} = 2,88 \times 0,365 = 1,05,$$

$$y_2 = 2,88 \times 0,65 = 1,87.$$

Шундай қилиб, аниқландики, барча коэффицентлар аҳамиятлидир, демак, тенгламалар мазкур кўринишни сақлайди. Жавоб қайтариш юзаси қуйидаги 2-расмда ифодаланган. Олинган маълумотларнинг таҳлили шундан далолат берадики, қўшимчалардан фойдаланилганда тайёр маҳсулотнинг сифати учун хамирнинг намлиги муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади (регрессия коэффициенти 13,50 ва 21,17), бу эса уларнинг юқори намлик тутуачанлик хусусияти билан тушунтирилади.

Демак, мазкур технологик параметрни ўртача 1,0...2,0% га ошириш мақсадга мувофиқдир (қўшимчанинг намлигига боғлиқ равишда), бу эса талаб этилган сифатдаги маҳсулот олиш имконини беради.




( $x_1$ ) ПРП миқдори, ( $x_2$ ) хамир намлиги, (1) ноннинг органолептик сифат кўрсаткичлари, (2) ноннинг солиштирма ҳажми

**2-расм. ПРП миқдорива хамир намлигини ноннинг органолептик сифат кўрсаткичлари, солиштирма ҳажмига боғлиқлигини фойдаловчи жавоб қайтариш юзаси**

Ун намуналари тадқиқ қилинди, уларнинг клейковинаси II-сифат гуруҳига мансуб бўлиб, «ўртача кучсиз» деб тавсифланди. Ун намуналари паст газ ( $1300 \text{ см}^3$  дан кам  $\text{CO}_2$ ) ва қанд ҳосил қилиш хусусиятига (10 г ун ҳисобига 275 мг мальтоза), юқори даражадаги тўкилиш сони қийматига (330 сек. дан ортиқ) эга бўлди. Тадқиқот ўтказиш учун сабзи (ПМ), қовоқ (ПТ) ва қизил чучук қалампирдан (ПКП) тайёрланган ПРПдан фойдаланилди.

Қўшимчали маҳсулотларда назорат вариантыга нисбатан мағиз ғоваклигининг 6,8...13,6% га, нонни ҳажмий чиқишининг – 12,8...14,9 % га, солиштирма ҳажмининг – 10,0...13,5% га ортиши, печ тубида пиширилган нонни шакл сақловчи хоссасининг 1,2...1,4 марта яхшиланиши (Н:Д нисбати бўйича) кузатилди (3-расм).


Қўшимчали маҳсулотлар ва назорат вариантынинг (қўшимчасиз) кимёвий таркибини қийсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, тажриба вариантларида углеводларнинг масса улуши – 26,2...27,4% га ва ёғлар – 0,4...5,1% га камайди. Энергетик қиммати ўртача 26,6...27,7% га пасайди. Бунда органик кислоталар, озик-овқат толалари миқдори – 1,3...7,6, Са – 1,1...1,9 ва Fe – 1,1...3,7 марта ортди. Ноннинг минерал таркибида Са:Р нисбатининг оптимали 1,0:1,5 га тенг бўлиб, унинг 1,0:4,8 га тенг бўлиши салбий ҳисобланади, бу эса фосфорнинг ўзлаштирилиш даражасини пасайтиради. Қўшимчалардан фойдаланилганда ушбу нисбат бирмунча яхшиланди, айниқса ПМ қўшилган вариантда (1,0:2,6). Аниқланишича, нон-булка маҳсулотлари рецетурасида ўрганилган қўшимчалардан фойдаланиш ҳисобига кунлик Са га бўлган талабнинг қндирилиш даражаси 1,2...7,8% га, В гуруҳ витаминларида: В<sub>1</sub> – 48,0 дан 64,6% гача (назорат қиймати 48,6% да); В<sub>2</sub> – 16,9 дан 18,7% гача (17,8%); В<sub>6</sub> – 25,6 дан 29,6% гача (27,2%); РР – 35,4 дан 38,8% гача (37,2%) ортди.



(1) ғоваклиги, (2) ҳажмий чиқиши ва (3) солиштирма ҳажми

**3-расм. Кучсиз новвойлик хоссаларига эга I нав бугдой унидан тайёрланган ноннинг физик кимёвий кўрсаткичларига ПРП нинг таъсири**

Маҳсулотлар каротиноидлар ва озиқ-овқат толалари билан бойиди. Аниқланишича, нонни ўсимлик қўшимчалари билан бойитишда кемирувчилар тажриба гуруҳида ўсиш суръати жадаллигининг ортиши тенденцияси қайд этилди. Бинобарин, тажриба бошлангунига қадар тажрибадаги ҳайвонларнинг тирик вазнида фарқ бўлмаганлигига қарамай, боқишнинг сўнгида у ўртача 9,2 % ( $P < 0,03$ ) ни ташкил этди, 100 г тана вазни ҳисобига озуқа сарфи эса қиёсий намунага нисбатан 16,7...27,1% га камайди ( $P < 0,05$ ). Қонуният асосида озуқа ейишнинг камайиши билан тажриба гуруҳларида эксперимент ажралиши ҳам қисқарди. Экспериментларнинг визуал таҳлили натижалари ноннинг тажриба ҳайвонлари томонидан яхши ҳазм бўлганлигидан далолат берди. Тажриба гуруҳларида 100 г тана вазни ҳисобига озуқа сарфи қиёсий намунага нисбатан 16,7...27,1% га камайди (4-расм). Патологоанатомик тадқиқотлар тажриба гуруҳи кемирувчиларининг ички аъзоларида назорат гуруҳидагиларга нисбатан сезиларли ўзгаришлар бўлмаганлигини кўрсатди. Тажриба гуруҳи ҳайвонлари қони таркибида сульфгидриль гуруҳ миқдори, шунингдек холинэстераза ва каталаза фаоллиги бутун тажриба давомида назорат гуруҳидагиларнинг кўрсаткичларидан статистик ишончли равишда фарқланмади.



**4-расм. Тажриба даврида кемирувчилар вазнининг абсолют ўсиши динамикаси**

Диссертациянинг «Новвойлик ачитқиларини фаоллаштириш учун кукунсимон ўсимлик яримфабрикатларини қўллаш» деб аталган тўртинчи боби прессланган ачитқиларнинг физиологик функциясига ўсимлик қўшимчаларининг таъсирини тадқиқ қилишга боғишланган. Тадқиқот объекти сифатида *Saccharomyces cerevisiae-2* ирқига мансуб новвойлик ачитқиларидан фойдаланилди. Қўшимчали намуналарда куртакланувчи хужайралар миқдорининг ўртача 8,4...9,6% га қайд этилди. Ачиққиларни кўпайтиришда уларнинг фаоллашуви босқичида 1 соат мобайнида оксилнинг масса улуши ПКП ва ПТ қўшилган вариантларда, углеводлар – ПС ва ПМ да энг юқори бўлди; 2 соатлик фаоллашувдан сўнг барча муҳитларда оксилни масса улушининг қисқариши кузатилди, ПКП ва ПЯ қўшилган вариантлар бундан мустасно бўлиб, уларда углеводлар миқдори сезиларли ортди. 3 соатлик фаоллаштиришдан сўнгоксилнинг юқори миқдори ПТ ва ПКП қўшилган вариантларда қайд этилди; углеводлар миқдори қонуният асосида, яъни ачитқиларнинг ҳаёт фаолияти учун истемол этилиши натижасида барча вариантларда камайди.

Ишда дастлабки фаоллаштириш кўзда тутилган ачитқиларнинг рецептура миқдорини камайтириш имкониятлари ҳам тадқиқ қилинди. Қўшимча сифатида ПТ дан фойдаланилди, у озука субстратига ун вазнига нисбатан 0,5...2,0 % миқдорда қўшилди. Қиёсий намуна сифатида сув-ун аралашмасида фаоллаштирилган прессланган ачитқилар хизмат қилди. Фаоллаштириш 3 соат мобайнида амалга оширилди, фаоллаштирилган ачитқиларнинг кўтариш кучи ҳар 30 дақиқада экспресс-услугда аниқланди. Ўрганилган ачитқиларнинг дастлабки кўтариш кучи 35...40 дақиқа чегарасида ўзгарди (3-жадвал).

Аниқландики, ПТ қўшиш прессланган ачитқиларни фаоллаштириш давомийлигини 1,0...1,5 соатга қисқартириш имконини беради, бу вақтда қўшимчасиз ачитқиларни фаоллаштириш давомийлиги 3 соатда кам эмас. Ярмифабрикатларда газ ҳосил бўлиш тезлиги динамикаси ачитқиларнинг унли муҳитга мослашганлигининг объектив кўрсаткичи ҳисобланади.

3-жадвал

**Прессланган ачитқиларнинг кўтариш кучига ПТ қўшимчасининг таъсири**


Намуна рақами	Ун вазнига нисбатан ПТ қўшиш меъёри, %	Фаоллаштириш давомийлигида (соат) кўтариш кучи (дақиқа)					
		0,5	1,0	1,5	2,0	2,5	3,0
Назорат	-	31	27	25	22	21	18
1	0,5	30	25	23	20	18	18
2	1,0	28	23	20	18	17	17
3	1,5	27	22	19	17	16	16
4	2,0	25	20	17	16	16	16

Шу боис ҳамирда газ ҳосил бўлиш кинетикасига фаоллаштирилган ачитқиларнинг таъсирини тадқиқ қилдик. Бунда ўсимлик-ун ва сувнинг 1,0:2,5 нисбатдаги аралашмасида фаоллаштирилган ачитқилар қўлланилди (5-расм).



Аниқланишича, ачитқиларнинг фаоллашиши босқичида ПТ ни қўллаш уларнинг унли муҳитга фаол мослашишига имкон берди, бинобарин хамирнинг етилиши даврида ажралиб чиққан  $\text{CO}_2$  микдоритажриба вариантлариданазоратга нисбатан ўртача 20,9% га юқри бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу жараён бижғишнинг 150 дақиқаси мобайнида энг жадал кечди, сўнгра газ ҳосил бўлиш жадаллиги назорат вариантыда 5,1% га, тажрибада – 6,7% га пасайди. Демак, фаоллаштирилган ачитқилар қўлланилганда хамирни етилтириш давомийлигини 30 дақиқага қисқартириш мақсадга мувофиқдир.



### 5-расм. Хамирнинг етилиши жараёнида газ ҳосил бўлиш кинетикасига ачитқиларни дастлабки тайёрлашнинг таъсири

Аниқланишича, опарасиз усулда хамир тайёрлашда прессланган ачитқиларни озуқа субстрати таркибига ПТ қўшган ҳолда дастлабки фаоллаштириб олишда ноннинг асосий сифат кўрсаткичлари қиёсий намунага нисбатан бирмунча яхшиланди. Бинобарин, қиёсий намунадаги айнан шу кўрсаткичларга нисбатан мағизнинг ғоваклиги 8,3% га, ноннинг солиштирма ҳажми - 9,8% га, органолептик баҳоси – на 2,0 баллга ортди, печ тубида пиширилган ноннинг шакл сақлаш хоссаси яхшиланди, тажриба нонлар пўстининг анча интенсив ранги ва мағизининг эластиклиги билан ажралиб турди. Озуқа субстрати таркибига ПРП қўшиш новвойлик ачитқиларининг фаоллашув самарасини оширди, бу эса уларнинг рецептура микдорини қисқартириш имконини беради. Фаоллаштирилган ачитқиларнинг меъёрланиши уларнинг рецептдаги микдорига нисбатан 10, 20 ва 30% га қисқарди. Аниқланишича, фаоллаштирилган ачитқилар меъёрини 20% га қисқартириш талаб этилган сифатдаги маҳсулот олиш имконини беради, ачитқиларнинг меъёрини бунданда қисқартириш нон сифати асосий кўрсаткичларининг ёмонлашувига олиб келди.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида технологик жараённинг турли босқичларида кукунсимон табиий қўшимчалар қўшган ҳолда I нав буғдой унидан нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш тартибининг асосий параметрлари

аниқланди. Мева ва сабзаёт хом ашёларини қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланишга асосланган нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш технологияси мавжуд анъанавий технологияларга нисбатан қатор афзалликларга эга ҳисобланади: ун, қанд ва ачитқиларнинг рецептура миқдори қисқаради, тайёр маҳсулотнинг чиқиши ортади ва унинг сифати яхшиланади; технологик жараён жадаллашади, корхонанинг ишлаб чиқариш унумдорлиги, унинг рентабеллиги ва рақобатбардошлиги ортади; хом ашё манбалари хилма хил ва уни топиш осон, моддий база барқарор ҳисобланади; ишлаб чиқилган тавсияномаларни амалга ошириш новвойлик саноати маҳсулотларининг ассортиментини кенгайтириш имконини беради.

## ХУЛОСА

1. Маҳаллий мева ва сабзаёт турларининг функционал-технологик хоссалари ва уларнинг озуқавий хавфсизлиги аниқланди. Уннинг новвойлик хоссаларини тўғрилаш, ун маҳсулотларининг физиологик қимматини ошириш ва ачитқиларни фаоллаштириш учун улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилди.

2. Хамир тайёрлашда мева ва сабзаёт хом ашёсидан тайёрланган кукунсимон қўшимчалардан фойдаланишнинг ижобий самараси уларни қайта тикланган пюре кўринишида ПРПнинг куйидаги нисбатида қўллашда кузатилади: сув 1,0 : 3,0 га тенг, меъёрлаш – уннинг рецептура миқдорига нисбатан 5,0% гача, эканлиги тавсия этилди.

3. Ўрганилган қўшимчаларни ун вазнига нисбатан 5,0% гача миқдорда қўшиш назоратга нисбатан нон ғоваклигини 4,3...8,7% га, ҳажмий чиқишини – 0,9...6,0% га, солиштирма ҳажмини - 0,9...3,2% га ошириш; маҳсулотнинг шакл тутиш хоссасини яхшилаш; маҳсулот янгилик кўрсаткичларининг сақланиш муддатини 6...8 соатгача узайтириш имконини бериши кўрсатилган.

4. Прессланган ачитқиларни дастлабки фаоллаштириш учун қўшимчаларнинг самарали меъёри ва озуқа субстратининг намлиги аниқланди, бу эса уларнинг кўтариш кучини ошириш ва фаоллаштириш жараёни давомийлигини 3 дан 1,5...2,0 соатгача қисқартиришни тавсия этилди.

5. Қуритилган мева ва сабзаёт қўшимчали нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқилган таркиб ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

6. Яратилган таркиб ва технологияни ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Ишлаб чиқаришга қўллашнинг иқтисодий самараси ун ва қанднинг таркиб миқдорини камайтириш, шунингдек тайёр маҳсулот чиқишини ошириш ҳисобига 21586 минг сўмни, 1,0 тонна маҳсулот ҳисобига ачитқиларнинг таркибдаги миқдорини камайтириш ҳисобига эса –16282 минг сўмни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.27.06.2017.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ДЖАХАНГИРОВА ГУЛНОЗА ЗИНАТУЛЛАЕВНА**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРИМЕНЕНИЯ  
ПЛОДОВО-ОВОЩНЫХ ПОРОШКОВ В ПРОЦЕССЕ ПРОИЗВОДСТВА  
ХЛЕБОПРОДУКТОВ**

**02.00.17–Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки  
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирован в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан заВ2017.1PhD/Т37

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу [ik-kimyo.nuu.uz](http://ik-kimyo.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Турсунходжаев Пулат Мухамедович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Курбанов ЖамшедМажидович**  
доктор технических наук, профессор

**Баракаев Нусрат Раджабович**  
доктор технических наук

**Ведущая организация:** АК «Уздонмахсулот»

Защита диссертации состоится «28» сентября 2017 г. в 8<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 21, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «15» сентября 2017 года.  
(протокол рассылки № 06 от «15» сентября 2017 г.).

**С.М.Туробжонов**

Председатель Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**А.С. Ибодуллаев**

Учёный секретарь Научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

**К.О. Додаев**

Председатель Научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире на сегодняшний день научные исследования направлены на обогащение традиционных продуктов питания незаменимыми аминокислотами, витаминами, макро- и микроэлементами, пищевыми волокнами, эссенциальными жирными кислотами, пребиотиками и др. до уровня, соотносимого с физиологическими нормами потребления и требованиями нутрициологии к адекватному питанию на фоне общей тенденции к снижению их калорийности.<sup>1</sup>

Со дня достижения республикой независимости ведутся масштабные научные исследования, направленные на создание высокого уровня научных работ по развитию отрасли пищевой промышленности в частности, хлебопекарная может получить практически неограниченное количество натурального биологически ценного сырья и продуктов его переработки (порошки, пюре, экстракты и др.), что позволит значительно расширить ассортимент выпускаемой продукции, исключить использование синтетических добавок-улучшителей, снизить расход основного сырья (мука, сахар, яйца, дрожжи, пищевые красители, вкусовые и ароматические добавки), повысить биологическую ценность изделий, снизить их калорийность и себестоимость. На сегодняшний день повышение качества хлеба и хлебобулочных изделий на новый уровень с применением плодово-овощных порошков в процессе производства хлебопродуктов служит для реализации приоритетных задач Программы Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан.

В последнее время на мировом уровне ведутся научные исследования по актуальным направлениям, таких как: современные методы модификации хлебобулочных и других мучных изделий, относящиеся к социально значимым продуктам регулярного и массового потребления; эффективного использования сырья, улучшения качества изделия, характеризующихся высокой потребительской и биологической ценностью; интенсификация процесса приготовления теста, разработка новых технологий продуктов «здорового питания», обеспечивающих комплексное и рациональное использование местных сырьевых ресурсов; обеспечение конкурентоспособности продукции, снижению её себестоимости и расхода сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан № ПП-2492 от 12 апреля 2016 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию организации управления пищевой промышленности республики», ПКМ республики Узбекистан №251 от 29 августа 2015 года «Об утверждении концепции и комплекса мер по обеспечению здорового питания населения Республики Узбекистан на 2015-

---

<sup>1</sup><http://www.ozon.ru/context/detail/id/5150020/>

2020 годы», № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и № УП-4707 от 4 марта 2015 года «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы», а также в других нормативных документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий VII «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Научные исследования по разработке технологии по применению плодово-овощных порошков в процессе производства хлебопродуктов занимались Л.Я. Ауэрман, В.С. Баранов, А.П. Нечаев, Л.Г. Ипатова, Л.И. Пучкова, В.И. Дробот, И.В. Матвеева, С.Я. Корячкина, Л.И. Казанская, Т.Б. Цыганова, Г.Г. Дубцов, Л.Н. Шатнюк, Р.Д. Поландова, М.П. Могильный и др.

Развитие исследований по применению плодово-овощных порошков в процессе производства хлебобулочных изделий; определение химического состава местного растительного сырья плодово-овощных порошков; изучение функционально-технологических и токсикологических свойств; медико-биологических свойств для определения физиологического значения, разработка рецептов для продуктов функционального назначения; разработка научно-обоснованной эффективной технологии.

Вместе с тем, приоритетным направлением по разработке технологии получения функциональных продуктов на основе порошков из свеклы, яблоки, моркови, тыквы и красного сладкого перца является проведение исследований по получения хлебобулочных изделий социальной значимости и обогащение их до адекватной потребительской степени.

